

бўлган ҳароратда ҳавонинг узоқ вақт совиб кетиши, бошланғич сув сифатининг ёмонлашиши ҳолатларида;

6) енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бурон, қурғоқчилик ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқуллодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўйилмаган ҳолатларда:

6.2. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" тизимини аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг ҳафсизлигини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

6.3. Агар мазкур шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар томонлар ўз мажбуриятларини бажариш муддатларига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига сурилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 05.01.2022 йилдан 31.12.2022 гача амал қилади.

Амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин, агар тарафларнинг биридан шартномани ўзгартириш тўғрисида ёки бекор қилиш тўғрисида ариза тушмаса, ҳар йили узайтирилган ҳисобланади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади, улардан биттаси "Иссиқлик таъминоти корхонаси" да, иккинчиси эса "Истеъмолчи" да сақланади.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, низоли масалалар амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Тошкент туманлараро Иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

IX. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР

9.1. Ушбу шартномага қуйидагилар илова қилинади ва улар шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади:

- а) "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи" ўртасида иссиқлик тармоқларининг балансига мансублиги бўйича бўлиниш чегараларини белгилаш далолатномаси (1 -илова);
- б) "Истеъмолчи"нинг ваколатланган масъул шахсини тайинлаш тўғрисида ишончнома (2- илова);
- в) "Истеъмолчи" объектлари ва иссиқлик юкламалари ўрнашган жойлари (дислокацияси) тўғрисидаги маълумотнома (3-илова);
- г) "Истеъмолчи" ташқи иссиқлик таъминотининг принципал схемаси, унда жавобгарлик чегаралари ва ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилган жойлар кўрсатилган бўлиши керак.
- д) Иштиш учун узатиладиган иссиқлик энергиясининг ҳарорат жадвали.

* Изоҳ: Бюджет ташкилотлари учун шартноманинг 7.1-банди 1 хат боши қуйидаги тахрирда баён этилсин: "Мазкур Шартнома 20__ йилнинг 31 декабргача амал қилади"